

Сурхонда «Хожа Самандар Термизий» жоме масжиди очилди



20:00 / 08.07.2021 1501

Аллоҳ таолонинг фазлу инояти билан, Ўзбекистон муслмонлари идораси тизимидаги масжидлар сони яна биттага кўпайди.

Янги масжид Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги Бобур маҳалласида жойлашган. Унга «Хожа Самандар Термизий» номи қўйилди.

Ушбу жоме Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиб, бу тўғридаги гувоҳнома масжид ходимларига топширилди.

Аллоҳ таоло ушбу масжид қурилиши ва очилишига сабабчи бўлган ва унга ҳисса қўшган инсонлардан рози бўлсин! Халқимизга янги масжид муборак бўлсин!

Юртимизда умумий масжидлар сони 2092 тага, Сурхон воҳасида эса 123 тага
етди.



